

ВАТАН ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ЮРТ ҒУРУРИ ҲАМИША ЮКСАК БЎЛАДИ



ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев UAE SWAT Challenge мусобақасида иштирок этган бир гуруҳ куоролли кучлар зобитларини тақдирлаш маросимида нутқ сўзлади.

Бу йил Дубайда ўтказилган мусобақада Қозоғистондан 12 жамоа иштирок этди. Халқаро мусобақанинг кумуш медалини ҚР Ички ишлар вазирлигининг "Сўңқар" ва "Томирис" жамоалари қўлга киритишди. Миллий хавфсизлик қўмитасининг "Арыстан" жамоаси эса тўртинчи ўринни эгаллади. Давлат хавфсизлик хизмати ва Мудофаа вазирлиги жамоалари ҳам юксак маҳорат намунасини намойён этишди.

Давлат раҳбари ғолибларни табриклаб, ушбу муваффақият пухта тайёргарлик ва машаққатли меҳнат самараси эканини таъкидлади.

– Аскарларимиз мовий байроғимизни гурур билан сарбаланд этдилар. Уларнинг қудратига бутун дунё гувоҳ бўлди. Биз сиз билан фахрланамиз. Бундай зафарли дамлар бутун халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг руҳини юксалтиради. Мамлакат мудофааси мустаҳкам бўлса, Қозоғистоннинг ғурури ҳамиша юксак бўлади, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари халқимизнинг қаҳрамонлик аънаналарига эътибор қаратди.

– Бу йил биз Буюк Ғалабанинг 80 йиллигини нишонлаймиз. Бу урушда фидокорона жанг қилган ва фронт ортида меҳнат қилиб, эгаменлик учун курашган барча қозоғистонликларга қўрсатиладиган юксак эҳтиромдир. Қаҳрамонларимизнинг тенгсиз жасоратини авлодлар хотирасида сақлаш барчамизнинг бурчимиздир. Бугун сиз жасур халқнинг авлоди сифатида Ватан олдидаги муқаддас бурчингизни чуқур англаб, садоқат билан хизмат қилмоқдасиз. Барчангиз юртимизда тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилдингиз. Сизни қонун ва тартиб посбони деб аташга тўла асос бор. Қонун ва интизом адолатли ва хавфсиз давлатнинг асосидир, – деди Президент.

Қ. Тўқаев мамлакат дахлсизлигини қўриқлаган махсус хизматлар ва куч тузилмалари томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида гапирди.

– Ўтган йили Миллий хавфсизлик қўмитаси томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида йигирмадан зиёд тезкор ҳарбий тадбирлар ўтказилди. У икита террорчилик ҳаракатининг олдини олди ва жиноятчиларни тўхтатди. Миллий гвардия фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда фаол иштирок этди. Ички ишлар вазирлиги тузилмалари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 64та дори ишлаб чиқариш корхонаси ёпилди. 22 минг тонна гиёҳванд моддалар мусодара қилинди. Дори воситаларини реклама қилувчи 7,5 минг сайт ёпилди. Икки миллиард тенгедан зиёд маблағни хорижга олиб чиқмоқчи бўлган фирибгарларнинг йўли тўсилди. Сўнгги уч йил мобайнида 8000га яқин турли қуроллар топилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Минглаб махсус хизмат аскарлари давлат эгаменлиги ва фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза қилмоқда. Аскарларимиз Ватанга берган қасамёдида ҳамиша содиқ, – деди Давлат раҳбари.

Президент ўз сўзини яқунлар экан, зобитларга муваффақият тилади ва уларни давлат мукофотлари билан тақдирлади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

Туркий давлатлар ёшларини боғловчи майдон яратилади

Бу ҳақда Астана шаҳрида ўтган Турк маданияти ва мероси жамғармаси кенгашининг II йиғилишида жамғарма президенти Ақтўти Раимқулова маълум қилди.



– Жамғарма туркий давлатлар миллий университетларида туркий олам маданияти, мероси, тарихини тўлиқ ўрганиш мақсадида "Туркий мерос" марказларини очишни режалаштирмоқда, – деди ташкилот раҳбари.



Жамғарма президенти жорий йилда уч мамлакат миллий университетлари қошида шундай марказлар очилиши, келгуси йилларда уларнинг сонини янада ошириш режалаштирилганини таъкидлади.

24.kz. маълумотлари асосида.

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 13 февраль, пайшанба, №17 (3518).

ТАДБИРКОРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ – БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮТУҒИ



ОТАНДЫҚ БИЗНЕС ӨКІЛДЕРІМЕН КЕЗДЕСУ

2025 ЖЫЛҒЫ 7 АҚПАН

ДАВЛАТ РАҲБАРИ БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашди. Ишбилармон доиралари вакиллари билан очиқ мулоқотда соҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Давлат раҳбари нутқ сўзлаб, бу борадаги асосий мақсад ва натижаларга тўхталди. Президент томонидан белгиланган стратегик мақсад мамлакатимизнинг минтақадаги етакчи ролини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодий мустаҳкамлашдан иборат эканлиги айтилди.

– Тадбиркорликни ривожлантириш – биз учун устувор вазифа. Бизнесинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам. Аҳоли фаровонлиги биринчи навбатда ушбу масаланинг ечимига боғлиқ. Йирик инфратузилма ва индустриал лойиҳалар, рақамлаштириш ва сунъий заковат, транспорт ва логистикани ривожлантириш иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари айланиши керак. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнесга қўллаб-қувватлаш мақсадида кўмаклашиш ҳам доимий эътиборда бўлади. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортган энг куйи бўйингача – барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши даркор. Айниқса, жойларда ҳокимлар ҳам бир тадбиркор билан кўпроқ мулоқот қилиб, корхоналарга бориб, уларнинг дарди билан яшамоғи жоиз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент ўз нутқида белгиланган вазифаларни ҳал этишда давлат ва йирик корхоналар соҳиблари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

– Йирик бизнессиз Қозоғистон иқтисодийнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш мумкин эмас. Қозоғистон иқтисодий тараққиётини янги bosқичга кўтариш учун бизга инфратузилма, sanoat ёки рақамлаштириш бўладим, йирик лойиҳалар керак. Уларни ишга тушириш тадбиркорларнинг ихтиёридадир, сиз зарур маблағ, кадрлар ва энг

муҳими, билим ва тажрибага эгасиз. Шу билан бирга, нафақат сармоялар учун аънавий жозибдор аънавий таърих тармоқларга эътибор қаратиш, балки янги ўсиш нуқталарини излаш ҳам зарур. Бунинг учун транспорт ва логистика соҳасида улкан имкониятлар мавжуд. Яна бир истиқболли соҳа – сайёҳликдир. Хорижликлар Қозоғистоннинг мусаффо табиати, халқимизнинг бетакрор аънавалари ва тарихий меросига қизиқиш билдирмоқда. Ички туризмнинг салоҳияти белкиёс, бироқ аниқ ҳаракатга келсак, бу соҳада ҳали ҳам камчиликлар бисёр. Шу боис Хукумат томонидан ушбу соҳани ривожлантиришга сармоялар ҳажмини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тақлиф этилмоқда, – деди Давлат раҳбари.

Президент давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш муҳимлигига эътибор қаратди.

– Бу бизнеснинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали йўлидир. Давлат учун эса бу ортиқча расмийликни камайтирадиган, уюшган жиноятчилик хатарларининг олдини оладиган ва умумий самарадорликни юксалтирадиган муҳим қадамдир, – деди у.

Давлат раҳбари ўтган баҳорги сув тошқини пайтида молиявий ёрдам кўрсатган барча ишбилармонларга, "Қозоғистон халқига" жамғармасига ҳисса қўшган тадбиркорларга миннатдорчилик билдирди. Жамғарма маблағлари соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилди.

– Бугун очиқ ва фойдали суҳбат бўлди. Хулоса ўрнида такрор айтмоқчиман: мамлакатимиз ишлаб чиқаришига сармоя жалб этиб, доимий иш ўринлари яратиб, ҳалол тадбиркорларни давлат доимо қўллаб-қувват-

лайди. Ҳаммангизни яхши биланман. Сўнгги уч йилда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро англашув сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мен сизларнинг давлат манфаати йўлидаги ватанпарварлик нуқтаи-назарингизни юксак баҳолайман. Биз ислохотлар йўлидан бормоқдамиз. Ушбу ислохотларни халқнинг кўмагисиз амалга ошириш амри маҳол. Қозоғистоннинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган стратегиямиз ишбилармон доиралар томонидан қўллаб-қувватланганини алоҳида қўшимча билдириш керак. Давлат Хукумат ёки ҳуқуқ-тартибот идоралари орқали тадбиркорларнинг қўний фаолиятига ҳеч қандай тарзда аралашмаслиги керак. Бу менинг қатъий талабим, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

– Квазидавлат шўъбаси субъектларини ташкил этишга мотарий жорий этилди. Тадбиркорлик вакиллари тартибга солинадиган харидлар учун ариза берган ҳолларда давлат корхоналарининг иштироки қўний юзасидан таъкидланди. Тадбиркорлик соҳа идоралари томонидан асоссиз таъийқ ва ноқонуний текширишлардан ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилди. Жиноят кодексининг беш моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди, – деди Давлат раҳбари.

Президент ҚҚС (қўшимча қиймат солиғи)нинг юқори чегарасини тўғрисидаги қарорни Хукумат аниқ ҳисоб-китоблар асосида қабул қилиши кераклигини таъкидлади.

– Ҳар қандай ислохот чуқур таҳлил қилинган, ҳаётга татиқ этилиши керак. Иқтисодий тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли шакллари ишлаб чиқиш зарур. Мен илгари қўшимча қиймат солиғи бўйича ўз фикримни билдирмаганман. Чунки расмий мартабага кўра, ҳар бир сўзим, фикрим қатъий буйруқ сифатида

қабул қилинади. Шунга қараман, мен бу масала юзасидан ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

Қандай бўлмасин, қўшимча қиймат микдорларини чуқур таҳлил қилиб қабул этиш керак.

Хукумат тўғри ҳисоб-китобларга асосланиб, малакали мутахассислар, такрор айтаман, малакали эксперт ва тадбиркорлар, албатта, депутатлар фикрини тинглаб, якуний қарорни қабул қилгани маъқул.

Бир нарса аниқки, Хукумат тақлиф қилаётган ҳозирги микдор жуда юқори. Аниқ рақам бердингиз. Бу жамият томонидан кизгин муҳокама қилинди. Ҳатто баъзи ҳолларда ноўрин сўзлар айтилди. Бироқ, бу жамоатчилик муҳокамасига қўйилган тақлиф эди.

Такрор айтаман, Хукуматнинг бу борадаги ишлари бизнес, жамият, тадбиркорлар, экспертлар, яъни барча томонларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда давом этиши керак.

Бу йил аниқ қарор қабул қилиниши керак.

Бугун билдирилган фикрлар ҳам инобатга олинади. Давлатга энг мақбул ечим керак, яъни бир томондан тадбиркорликка тўсқинлик қилмайди, балки қулай шарт-шароит яратадиган самарали йўл топишимиз, иккинчи томондан эса солиқ интизомини мустаҳкамлашимиз ва бюджет даромадларини оширишимиз жоиз. Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати орқага қайтариб бўлмайдиган катта кучга айланди. Биз давлат миқёсида қандай катта мақсад ва вазифаларни ўз олдимизга қўймайлик, уларни амалга оширишда бутун халқимиз билан бирга, аввало, сизларга таянаемиз. Тадбиркорлик қанчалик ривожланса, халқимиз шунча фаровон ҳаёт кечиради, давлатимиз шунча қудратли бўлади. Тадбиркорнинг муваффақияти – бу бутун халқимизнинг ютуғи, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



Қозоғистон спортчилари Хитойнинг Харбин шаҳрида ўтказилаётган IX қишқис Осиё ўйинларида навбатдаги олтин медалларни қўлга киритишди.

ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ: БИР КУНДА ИККИ ОЛТИН



Эркалар ўртасидаги фристайл-акробатика баҳсларида қозоғистонлик спортчилар Шерзод Ҳоширбоев ва Роман Иванов 97,92 балл тўплаб, олтин медалга сазовор бўлишди. Таъкидлаш жоиз, Қозоғистон тарихда илк бор ушбу спорт тури бўйича Осиё ўйинлари олтин медалини қўлга киритди. Эркалар ўртасидаги биатлон бўйича 10 километрга спринт пойғасида қозоғистонлик Владислав Киреев ва Вадим Куралес миллий саватчага битта олтин ва битта кумуш медал қўшди.

Бу Қозоғистон делегациясининг Харбин қишқис Осиё ўйинларидаги учинчи олтин медалидир.

Шу тариқа, Қозоғистон делегацияси медаллари сони 13тага етди (3та олтин, 6та кумуш ва 4та бронза) ва умумжамоа ҳисобида 4-ўринда бормоқда.

Olympic.kz маълумотлари асосида.



БЕРИК УАЛИ: МАСЪУЛИЯТНИНГ ЮКИ ЕНГИЛ БЎЛМАЙДИ

«АЙҚЫН» ГАЗЕТАСИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАХАТЧИСИ –
МАТБУОТ КОТИБИ БЕРИК УАЛИ БИЛАН МУСОҶАБА УЮШТИРДИ.



– Берик Уалиули, яқинда ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев раислигида Хукуматнинг кенгайтирилган йиғилиши ўтди. Унда Давлат раҳбари мамлакат тараққиёти манфаатларига мос келадиган кўплаб мақсадларни илгари сурди. Улардан қайси муҳим ташаббусларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

– Бу – ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган жуда кенг шаклдаги учрашув. Йиғилишда Хукумат аъзоларининг галдаги фаолиятининг асосий йўналишларига устувор аҳамият қаратилади. Бинобарин, Президентимизнинг кенгайтирилган йиғилишдаги ҳар қандай топшириқ ва ташаббуслари мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Қасим-Жумарт Тўқаев сиёсий фаолликни ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аниқ қадамлар билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Яъни, туб бурилишларга йўл очган ислохотларнинг ижроси юрт фаровонлигида ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Шу билан бирга, бир йил аввал янгиланган Хукумат зиммасига ҳам улкан масъулият юкланган. Чунки, Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугунги вазият жаҳон ҳамжамиятига осон эмас. Йирик давлатлар ўртасидаги турли қарама-қаршиликлар, жумладан, иқтисодий санкция сиёсатининг кучайиши, кенг кўламли можаролар, тинч аҳолининг азоб-уқубатларига сабаб бўлаётган қуролли тўқнашлар бугунги кунда дунё давлатларини ташвишга солмоқда. Сўнги йилларда иқлим ўзгариши ҳам аниқ сезилмоқда. Технологик пойга натижалари мисли кўрилмаган рақобатни юзага келтирди. Бу каби вазифалар мамлакатимизни барча соҳаларда юзага келган мураккаб вазифаларни тезкорлик билан, ҳаттоки ташаббускорлик билан ҳал этишга ундайди.

Давлат раҳбари асосий эътиборни бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, давлат тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ортқича сарф-харажатларнинг олдини олишга қаратиш зарурлигини таъкидлади. Президент маърузасининг асосий мазмунини шундан иборат.

– Давлат раҳбари бу йилги маърузасида ҳам аксарият иқтисодий тараққиёт масалаларига ургу берганлиги сезилади...

– Иқтисодиёт – давлат тараққиётининг асосий таянчи. Албатта, юқорида таъкидланганидек, дунёда содир бўлаётган турли зиддиятлар оқибатлари мамлакатимизнинг иқтисодий аҳолига таъсир кўрсатмай қолмайди. Чунки Қозоғистон жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоси. Бу бизнинг асосий тамойилимиз, иқтисодиётга ҳам тааллуқлидир. Шу боис дунёвий савдо тизимидаги ҳар қандай узилиш муқаррар равишда бизнинг иқтисодиётимизга таъсир кўрсатади.

Бундай вазиятда ўринли савол туғилади: барқарор тараққиётни қандай таъминлашимиз мумкин? Президент бу ҳақда аввал ҳам фикр билдирган. У Хукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида мазкур ҳаракат стратегиясини яна бир бор эслатиб, Хукумат ва ваколатли идоралар раҳбарларининг асосий масалаларига тўхталди. Хусусан, мамлакат иқтисодиётини ранг-баранглаштириш жуда муҳим йўналишдир. Президент қайта ишлаш санаотида ижобий жўшқинлик кузатилаётгани ва соҳага мақбул шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Давлат раҳбари танқид қилган йирик санаот лойиҳаларини ишга туширишдаги сустраслик алоҳида эътибор талаб қилади.

Президентнинг фикрича, бу ишни мамлакатимиздан ноқонунли олиб чиқилган активларни давлат хазинасига қайтариш билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Хукуматга ўрта бўгин корхоналар кластерини шакллантириш вазифасини кўйди. У айни дамда дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан самарали фойдаланилаётган сайёҳлик соҳаси имкониятларидан ҳам даромад олиш зарурлигини таъкидлади. Агрисаноат мажмуаси салоҳиятини оширишга қаратилган муҳим ташаббуслар мавжуд. Иқтисодиётни молиялаштириш бўйича иккинчи даражали банклар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Ўзлаштириш қийин бўлган конларни иқтисодий муомалага киритиш юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Яна бир муҳим масала мавжуд: Хукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида кўшимча қиймат солиғини ошириш бўйича тақлиф киритилгани барчага аён. Бу масала жамиятда қизгин муҳокама қилинди. Бу борада кенг жамоатчиликдан тортиб, мутахассисларга ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Президентимиз ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратиб, ўтган ҳафтада мамлакатимиз бизнес вакиллари билан учрашувда ўз фикрларини билдирди. Давлат раҳбари ҳар қандай ислохотни чуқур таҳлил қилиш ва жиддий юритиш зарурлигини таъкидлади. Президентимиз бу борада турли йўللари кўриб чиқди

ва кўшимча қиймат солиғи миқдорини оқилона тарзда белгилаш зарурлигига ургу берди. Хукуматнинг бу борадаги ишлари бизнес, жамият, таҳлилчилар ва депутатлар, яъни барча томонларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда давом этиши зарурлигини таъкидлади.

Шу тариқа Давлат раҳбари стратегик йўналишларни белгилаб берди. Эндиликда Хукумат аъзолари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ушбу вазифаларни ижросини таъминлашга ихлос билан, бор куч-ғайратини сафарбар этган ҳолда киришишлари керак. Шу билан бирга, Президентимиз иқтисодиётнинг барча тармоқларига сарможа жалб этиш жуда долзарб эканлигини таъкидлади.

– Дарҳақиқат, Қасим-Жумарт Тўқаев чет элдан сарможа жалб этиш ҳақида тўхтовсиз гапиради. Умуман олганда, бугунги кунда мамлакатимиздаги сарможавий аҳвол қандай?

– Маълумки, Давлат раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда Сарможавий штаб тузилган. Бу тузилма амалдорона тўсиқларга, гуруҳлар манфаатларига қарши тура оладиган, сармоядорларни қонуний ҳимоя қиладиган тизимга айланиши керак. Штабнинг самарали фаолият юритиши учун барча зарур шароитлар яратилган, унинг ижроси бевосита Қасим-Жумарт Кемелулиннинг назоратида. Шу билан бирга, Президент Хукуматнинг вазифаси нафақат сармоядорларнинг муаммоларини зудлик билан ҳал этиш, балки мамлакатдаги умумий сарможавий вазиятни яхшилашдан иборат эканини таъкидлади.

Ўтган йил охирида республика нашрлари учун ёзган мақоламизда таъкидлаганимиздек, Президентимиз 2024 йил мобайнида йигирмадан ортиқ давлатда бўлди. Кўплаб халқаро учрашувларда иштирок этди. Буларнинг барчасида у биринчи бўлиб давлат раҳбарлари ва хорижий ишбилармонлар билан учрашиб, мамлакатимиздаги турли соҳаларга сарможа жалб этиш борасида бевосита ташаббус кўрсатмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, Қозоғистон иқтисодиётига сарможа жалб этишда улкан муваффақиятларга эришмоқда. Аммо Президент бу билан чекланиб, тўхтаб қолмаслик зарурлигини таъкидлади. Чунки, биринчидан, мамлакатда бюджет тақчиллиги мавжуд.

Сарможаларнинг камайишини бюджет ҳисобидан қоплаш фақат қисқа муддатли натижа беради. Шу боис минтақалар ва Алмати шаҳрига жалб этиладиган сарможани кўпайтириш вазифаси қўйилди. Хукуматдан барча даражада ягона экотизимни яратиш талаб этилади. Марказда, йирик шаҳарлар ва минтақаларда сармоядорларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратилади.

Иккинчидан, жаҳонда нодир металлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ортган самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун мамлакатимиз салоҳиятини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Хукумат раҳбари мамлакатимизда ушбу йўналишда 17та янги кон очилганини айтди. Улар орасида литий кимёвий унсурни алоҳида ўрин тутди. Бу соҳага сарможа жалб қилинса, илгор технологиялар жорий этилса, хорижий

ва маҳаллий сармоядорлар учун тенг шароитлар яратилса, мамлакатимизда сарможавий муҳит сезиларли даражада яхшиланиши аниқ. Эндиликда сармоядорларга ушбу ҳудудда геология-қидирув ишларини юритиш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Яъни, улар ўз маблағлари эвазига қидирув ишларини олиб борадилар ва ер қъридан фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритадилар.

Ҳозир мамлакатимизда ер ости бойлиқларидан фойдаланиш борасида ислохотлар олиб борилмоқда, унинг қонуний дастури ишлаб чиқилмоқда. Умуман, ўтган йил жалб этилган сарможалар ҳажми аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу – тушунарли. Чунки ҳозир дунё бўйича сарможа жалб этишга талаб кучли. Барқарор тараққиётни таъминлашда сарможалар алоҳида ўрин эгаллайди. Давлатимиз раҳбари иқтисодиётга сарможа жалб этиш мамлакатимизнинг жаҳон харитасидаги ўрнини белгилаб беришини таъкидлаб, бу борадаги ишларнинг аҳамияти залворли эканлигини таъкидлади.

– Инфратузилмани ривожлантириш масалаларида қайда этилган лойиҳалар қай даражада амалга оширилмоқда?

– Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизнинг қатор шаҳарларидаги иссиқлик таъминоти тизимларида қишининг совуқ кунларида носозликлар юзага келди. Бундай ҳодалар мамлакат обрўсига путур етказиши шубҳасиз. Шу муносабат билан Президент тариф сиёсатини бозор талаблари асосида қайта кўриб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Чунки МДХ мамлакатларидаги нархлар бизнинг бозордагидан анча юқори. Бу контролданга оид жиноятларни юзага келтирадиган ҳолат. Ваколатли идораларимиз ҳатто чегара бекатлари остидан ёқилги ташиш учун ер ости йўли қовлаш ҳолатларини ҳам аниқлаган. Шу сабабли, энергия, иссиқлик ва сув учун истеъмол баҳоларининг ўзгариши коммунал хизматларнинг ўз вақтида янги андозаларга мослашишига имкон беришини унутмаслик керак. Президентимиз таъкидлаганидек, эскирган энергетика иншоотларини замонавийлаштириш керак. Энергия тақчиллиги ортishi билан атом энергиясига талаб ортиб бормоқда. Бу борада, Қозоғистонда атом санаоти учун зарур бўлган ёқилги манбаларининг йирик захиралари мавжудлиги маълум. Яъни биз уранга бой давлатимиз. Шунингдек, электр тармоқларини бириктириш, буғ-газ станциялари ва қувурларини қуриш ишларини якунлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Қозоғистон сўнги йилларда транспорт ва транзит инфратузилмаси бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хитойдан Европага юкларнинг Қозоғистон ҳудуди орқали ўтишини таъминлаш мақсадида автомобиль йўллари билан бирга темир йўллар, денгиз йўллари, кўплаб иншоотлар ишга туширилди.

Хукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида Давлат раҳбари Транскаспий йўналишини ривожлантириш доирасида «Мойынты – Қызылжар» йўналишида янги темир йўл қурилишини бошлаш, Қызылжар станциясидан Ақтау портигача бўлган кўплаб участкаларни замонавийлаштириш

бўйича топшириқ берди. "Алтинкўл – Жетиген" темир йўлини кенгайтириш вазифаси бундан мустасно эмас. Буларнинг барчаси Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлагини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида янги ҳаво терминаллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Президент юк ва йўловчи терминаллари, логистика марказлари, замонавий хизмат кўрсатиш иншоотларини ўз ичига олган тўлиқ экотизим яратишга бел боғлаган. Бу борада Қозоғистон ўз иқтисодиётига тегишли даромаддан қуруқ қолмаслиги керак. Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ушбу транспорт-транзит ва логистика салоҳиятини ривожлантиришга бағишланади.

– Рақамлаштириш соҳасида етакчи ўринга эга бўла оламизми?

– Маълумки, жаҳон савдоси электрон тизимга ўтган. Мамлакатимиз давлат хизматларини рақамлаштириш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Фахр билан айтишимиз мумкинки, бу борада биз кўплаб ривожланган давлатларнинг рақамли тизимларидан олдиндамыз. Бироқ, бу тўхтовсиз тараққиёт этаётган соҳа бўлганлиги боис, ахборотни ҳимоя қилиш ва ушбу тизимнинг узлуксиз ривожланиши жуда долзарбдир.

Биз оммавий ахборот воситаларида Америка ва Хитой дастурлари ўртасидаги рақобат ҳақидаги маълумотлар билан танишмиз. Мисол учун, Хитой DeepSeek дастурини атиги 6,5 миллион долларга яратди. Унинг самарадорлиги миллиардлаб доллар сарфлаган платформалардан ошиб кетди. Ушбу замонавий давр эҳтиёжларини нафақат тўлиқ англаш, балки уни жамиятимизга фаол жорий этиш мақсадида Давлат раҳбари сунъий заковат соҳасидаги етакчи арбоблар билан тез-тез учрашиб туради.

Яқинда у ушбу соҳадаги хитойлик тадбиркор Ли Кай Фунни қабул қилди. Хукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида Хитой тажрибасини атрофлича ўрганиш борасида топшириқлар бергани бежиз эмас. Бу соҳада ҳали олдимизда забт этиладиган улкан марралар турибди. Умуман олганда, бу йўналишда рақамлаштириш соҳасида минглаб мутахассислар тайёрлашдан тортиб, Астанада Al-Sana сунъий заковат ўқув марказини очишга бўлган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Янги таҳдидлар ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда киберфидрибарликдан ҳимояланиш масаласи жуда муҳим. Мазкур жиноятнинг 80 фоизи очилмагани ихтисослашган махсус хизматларимизнинг рақамли салоҳиятини янада яхшилашни тақозо этади. Чунки фуқаролар хавфсизлиги давлат учун биринчи ўринда туриши керак.

– Давлат кўмагида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида аниқ нима дея оласиз?

– Президент давлатнинг зиммасидаги ижтимоий мажбуриятларни адо этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш жоизки, кредитларнинг маълум қисмини тўлаш, манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, имтиёзлар беришни тизимли йўлга қўйиш каби аввалдан аҳолига манзур бўлган ташаббуслар билан бир қаторда, айни пайтда соғлиқни сақлаш, таълим, фан соҳаларидаги лойиҳаларни адолатли

молиялаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилмоқда.

Қишлоқларда 460та дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш масканлари фойдаланишга топширилди. Йил охиригача яна 200га яқин иншоот фойдаланишга топширилади, 32та касалхона таъмирланади. Президентимиз бу борадаги кенг кўламли ишларни тезлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди. Бундан ташқари, келгуси йилда барча туман шифохоналарида замонавийлаштириш ишлари олиб борилади.

«Бадастир мактаб» лойиҳаси жорий йилда ниҳоясига етказилади. Унинг катта қисми уюшган жиноятчилик йўли билан қўлга киритилган маблағларни ундириш ҳисобидан молиялаштирилган. Президент топшириги бўйича уч йил давомида яна 1300та мактаб таъмирланади.

Энг муҳими, жорий йил «Ишчи касблари йили» деб эълон қилинди. Жорий йил талабга эга кадрлар тайёрлаш, меҳнат кишининг обрўсини юксалтиришга эътибор қаратилади. Давлат раҳбари фуқаролар мурожаатларини тинглаш зарурлигини таъкидлади. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини турибди. Шу билан бирга, давлат девони самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилди.

– Президент нутқида кўпчиликнинг эътиборини жалб этган жиҳат унинг мамлакатимизга лақаб қўйганлар ҳақида айтган гаплари бўлди. Эътибор берганимиздек, Давлат раҳбари мамлакат нуфузини шакллантиришда жамиятдаги барча жараёнларни назорат қилади...

– Албатта. Ҳозирда одамлар ижтимоий тармоқларда керак-нокерак маълумотлар тўфонидан ўзини ҳимоя қила олмай, турли ғояларни тафаккурида таҳлил қилмай, ишониб кетаётганлигига гувоҳимиз. Афсусларки, айрим фуқароларимиз қимматли вақтларидан унумли фойдаланиш ўрнига, беъмъни гапларга учиб, нотўғри йўналишда кетаётганлигини билдирishi мақсадида айтилган фикр эди. Давлат фуқароларнинг хоҳиш-истакларини чекламайди. Аммо ижтимоий тармоқлардан жамоатчилик фикрини чалғитмай, илгор ғояларни илгари суриш борасида самарали фойдаланиш мумкин. Бинобарин, жамият обрў-эътиборига путур етказувчи, жамоатчилик фикрини чалғитишга қаратилган ёлгон маълумотларга тўсиқ қўйиш зарур. Президент мана шунга даъват этди.

Эл номини фуқаролари улуғлайди. «Қонун ва интизом» тамойили ҳам шунга асосланади. Биз ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилганимиз каби давлатимиз обрўсини, шуҳратини ҳурмат қилишимиз керак. Шундагина юртимиз юксалади. Бир-биримизга ноўрин тош отавермай, давлатчилигимизни мустаҳкамлашда давом этганимиз маъқул. Қадир Мирза Алининг «Мустақилликни ҳар лаҳзада ҳимоя қилиш керак» деган ибораси бор. Давлат шънини ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Сухбатдош
Гулзина БЕКТАС.

» Иқтисодиёт

ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай, рақобатбардош иқтисодиёт барпо этиш мумкин эмас. Бу соҳада ечимини топмаган асосий масалалар мавжуд. Жумладан, аҳолининг ерга эгалик қилолмаслиги, узоқ мuddатга бериладиган “арзон насия”нинг йўқлиги, малакали мутахассисларнинг тақчиллиги. Ҳосилдорликни ошириб, ҳомашё тайёрлаш билангина чекланмаслик учун, шунингдек, омбор ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида тезкор чоралар қабуллаш зарур. Элимизда гўшт, мева-чева, сабзавот, қанд, буғдой, ёғбop экинлар, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун янги экотизимларни шакллантириш мумкин.

Қасим-Жўмарт Тўқаев.
«Янги вазиятдаги Қозоғистон: ҳаракатлар даври».

ҚР Президенти Қ. Тўқаев давлат хизматчиларининг ишида бепарволик, кўзбўямачиликка йўл қўймаслик кераклигини таъкидлаган эди.

Фикримча, Давлат раҳбари нафақат кўзбўямачиликни ошқоралапти, балки, шу билан бирга, ёлғон ахборот бериб, ишлаш мумкин эмаслигини кўрсатиб бермоқда. Сабаби, бу иқтисодиётимизни ривожлантиришда катта тўсиққа айланиб бормоқда. Соҳани тўғри бошқариш учун эса маҳаллий жойлардаги аҳволни аниқ-равшан билиш лозим.

Мисол тариқасида қишлоқ хўжалигимиз, аниқроғи, ғалла ва дуккакли дон экинлари етиштириш соҳасини олиб кўрайлик. Ўтган йилги сув тошқинлари ва қурғоқчилик соҳада йиғилиб қолган кўппала муаммоларни юзга чиқарди. Масалан, нега ривожланган мамлакатлар бир хил об-ҳаво шароитида биздагидан 2 баравар кўп ҳосил олади? Нега бизнинг асосий рақобатбардош давлатларимизда сўнгги 15 йилда ғалла, дуккакли дон экинлари ҳосилдорлиги 30-40 фоизга, бизда эса бор-йўғи 14 фоизга ўсди? Нима учун ғалла ва дуккакли дон экинлари етиштирадиган бошқа йирик мамлакатларда ноннинг баҳоси биздаги каби кўтарилмади?

Балки бундай саволлардан кейин ушбу соҳадаги давлат сиёсати га жиддий тузатишлар киритиш керакдир? Ҳозирча масалани таҳлил қилсак, бизда қозғоқ юзида, баёнотларда ҳаммаси бенуқсон. Масалан, йил сайин баҳорда “деҳқон хўжаликлари энг яхши навли уруғлик билан таъминланди”, деб ахборот берамиз. Аслида, қандай?

— Ўтган йили «Қозоқ миллий аграр-тадқиқот университети» олимлари шимолий вилоятлардаги элита уруғлик етиштирадиган 23та хўжаликнинг “энг юқори сифатли” уруғлигини текширди. Натижада уларнинг ҳаммаси могор босган ва бактерияли касалликларга чалинганлиги аниқланди, — дейди дорилфунун ректори Тилектес Есполов. — Яна бир мисол, ҳокимликларнинг экин экиш ва йиғиштириб олиш ишлари яқунлари бўйича бериладиган расмий маълумотлари бир-бирига тўғри келмайди. Деҳқончиликда тупроқдаги ўсимликлар учун зарур намликни ошириш мақсадида алмашлаб экиладиган майдонларнинг моҳияти зўр. Ғалла етиштирадиган вилоятлардан бирининг маълумоти га кўра, ўтган йили даим берилётган майдонлар кўлами 720 минг гектарни ташкил этган, бизнинг сунъий йўлдошдан туширилган суратлар бўйича 2 баравар кам бўлиб қиқди. Бундай ёлғон ахборот нима учун керак? Академик И. А. Бараев айтганидек: “Ерни алдай олмайсан-ку!”

Биз катта мажлисларда “ер унумдорлигининг тез ошишини таъминлайдиган ўзгача замонавий агротехнологиялар маҳаллий экинзорларда жорий этилмоқда”, деб ёлғонни ҳақиқатдек қилиб маълумот беришни ўргандик. Баъзида орзу қилган “Ҳақиқатимиз” ривожланган давлатлар кўрсаткичидан ҳам ортқ бўлади...

Ҳозир Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ердан унумли фойдаланиш масалаларида тартиб ўрнатиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бироқ унинг натижаси маҳаллий жойлардаги аниқ аҳволни билишга бевосита боғлиқ. Энди очик кадастрлаш, чинакам баҳолашнинг ҳамда ер билан ишлашда очикча ҳаракат қилиш вақти келди. Бунинг учун рақамли технологияга асосланган коинот мониторинги ҳамда ерни масофадан суратга тушириш усулларини дадиллик билан қўллаш керак. Шундагина биз тўғри маълумотларга эришамиз ҳамда барча даражадаги ҳокимликларнинг минглаб хизматчиларини қозғозликдан озод қилиб, уларнинг асосий вазифалари, айнққса Президентимиз айтганидек, баҳолаш ишлари билан шуғулланишларига тўлиқ имконият яратилади. Шундагина “аччиқ” ҳақиқатни билибгина қўймай, аграр соҳани тўғри ривожлантира оламиз.

ДЕҲҚОН АДАШСА, ЙИЛНИ ЙЎҚОТАДИ

Ердан фойдаланишдаги муаммоларнинг туб моҳиятини англаш мақсадида кўппала томорқа хўжалиги фаолияти билан машғул инсонлар билан суҳбатлашдик. Улардан баъзилари деҳқончиликнинг оддий сир-асрорларини билмасликларидан қийнаётганликларини, арзимаган тасодифлар туфайли ҳосилни барбод қилиб қўяётганликларини айтиб, аччиқ ҳақиқатни тан олишади. Баъзи оилалар шартнома асосида ер олиб, ҳаражатлар учун мол-қўйларини сотиб, тажрибасизлиги туфайли боридан ажралганлари ҳам йўқ эмас. Тажрибаси, малакаси етарли бўлмаса-да, деҳқончилик қилиш мақсадида банкдан йирик маблағ олиб, сарфлаб, кузда ғалвирни қуруқ кўтарганлар ҳам учрайди. Кредитларни қайтаролмай, не-не машаққат чекаётганлар ҳам бор.

Гапнинг очиги, баъзи томорқачилар, ҳатто кузги сабзининг энг маъқул экиш пайти қачон, бир сўтих ерга қанча уруғ селган маъқул, кузги картошкани қачонгача экиш мумкин, бир сўтих ерга қанча уруғлик картошка сарфлаган маъқул эканлиги каби, кўппала шундай оддий нарсаларни билмасликлари сир эмас.

Кўппала томорқачилар картошка экиб, колорадо кўнгизига «олдириб» қўйганини, баъзилари эса боғдаги меваларини зараркунанда ҳашаротлар босиб, зарар кўришаётганликларини айтиб, ҳасрат қилишади.

Айримлари кимёвий дори воситалари ва минерал ўғитларнинг қимматлиги ҳақида гапиришса, баъзилари заҳарли химикатларга ҳам ишонч қолмаганлиги, қўлланилгани билан ҳашаротларда ўлмаётганлиги ҳақида гапиришади.

Демак, томорқаларда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Аммо ушбу муаммолар бугунги кунда ўз ечимини топа бошлаганини ҳам таъкидламоқ жоиз, бу эса деҳқонларга умид бағишлайди.

А. АБДУФАТТОХ.

Сайрам туманида янги кичик туман қад ростлайди. Ушбу масала вилоят ҳокимлигида алоҳида муҳокама қилиниб, тақлифлар ва режалар тингланди. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров курилиш ишларини сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Туман ҳокими масъул бошқармалар билан ҳамкорликда ишни тизимли равишда бажариши жоиз. Биринчи навбатда инфратузилмани юритиш даркор. Ҳар бир курилиш иншооти, иморатлар

САЙРАМ ТУМАНИДА 5 ҚАВАТЛИ 47та УЙ БАРПО ЭТИЛАДИ

пухта, сифатли барпо этилиши жоиз, — деди Н. Кўшеров.

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов янги кичик туманнинг режаси билан таништирди. Минтақадаги аҳоли тиғиз жойлашган ва тараққиёти юксалаётган туманда бошпана масаласи жуда муҳим. Қорасув қишлоғидаги 57 гектар худудда янгидан барпо этиладиган кичик туманда 5 қаватли 47та

уй-жой (2820 хонадон), қишлоқ маъмурияти биноси, бир кеча-кундузда 250 одамни қабул қиладиган замонавий шифохона, маданият уйи ва Ёшлар саройи, 600 ўринли замонавий янги мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, 6та тижорат иншооти ва истироҳат боғи барпо этиш режаланган. Шу билан бирга, масжид барпо этишга ҳам жой кўзда тутилган. Лойиҳадан

мақсад — аҳолининг турмуш даражасини юксалтириб, бошпанага эҳтиёжини камайтириш. Туман ҳокимлиги томонидан ушбу иншоотларни муҳандислик-коммуникация тизимлари билан таъминлаш борасида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигини юксак савияда нишонлаш мақсадида “Дўстлик” ҳамжамияти ва Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси 30та тadbир ўтказишни режалаштирган. “Ватандошлар” жамоат жамғармаси раиси Одилжон Сатторов раҳбарлигидаги шоир-ёзувчи, санъаткор, ўқитувчи-профессорлардан иборат делегациянинг Шимкент шаҳри ва Туркистон вилоятига сафари режадаги тadbирлардан бири бўлди.

Меҳмонлар дастлаб Шимкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги мактабда бўлиб, Абай Қунанбайнинг маънавий устози бўлган ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бюсти пойига гулчамбар қўйишди. О. Сатторов қозоғистонликларни ҚХАнинг 30 йиллиги билан қутлаб, мамлакатимизда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, бағрикенглик сиёсати га юксак баҳо берди.

Сўнг Ўзбекистон делегацияси шаҳар драма театридаги ҳазрат Навоийнинг 584 йиллиги га

“ВАТАНДОШ”ЛАРНИНГ ҲИММАТИ



ривожлантиришдан иборат. Қолаверса, шундай маданий ва маърифий тadbирлар орқали яхши кўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, халқларимизни жипслаштириш. Ўтган йили икки давлат раҳбарлари — Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёевларнинг Мир Алишер

— Қардош Қозоғистон зами-нида буюк бобокалонимиз, давлат ва жамоат арбоби, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг 584 йиллиги га бағишланган тadbирда қатнашаётганимиздан бағоят мамнунмиз. Яхши кўшничилик алоқалари турли синовлардан мардонавор ўтиб келмоқда, ҳозир эса муносабатлар янги босқичга чиққан. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида ҳеч қандай муаммоли масала йўқ, — деди О. Сатторов.

Шундан сўнг, О. Сатторов И. Ҳошимжонов, Т. Нишонбоев, Ш. Норулиева, Н. Дўстметоваларга “Ватандошлар” жамоат жамғармасининг ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширди.

Кўппала эзгу тadbирларга бош-қош бўлаётган жамғарма ижодкор муаллима, шоира Рoбия Қамчибек қизининг “Ҳамроз” китобини нашр этишга ҳомийлик қилди, тadbирда китобнинг тақдими ҳам ўтди.

Тadbир давомида театр артистлари “Алишер Навоий ва Бойқаро” спектаклидан парча намойиш этди, шоирлар шеър ўқишиб, хонандалар кўшиқларини армуғон этишди. Айнққса, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси Ўткир Йўлдошевнинг Навоий ғазалларини моҳирона ўқиши,

уларни тавсифлаб бериши томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тadbирда “Ватандошлар” жамғармаси 30та мактабга 70тадан китоб совға қилди. Туркистон вилоят “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти ҳам бу совғадан бебаҳра қолмади. Шунингдек, 4-болалар мусиқа мактабига миллий қолгу асбоблари тақдим этилиши таҳсинга сазовор бўлди.

Тadbир “Наврўз” тантаналар саройидаги тўкин дастурхон атрофида давом этди. Ўзбекистонлик хонандалар ва “Ватандошлар” жамоат жамғармасининг Шимкент шаҳридаги вакили, Ойбек номидаги 14-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Юлдуз Жаҳонгированинг ашуллари тadbирга файз киритди.

Шунингдек, Ахмет Байтурсинов номидаги мактабда шаҳар мактаблари ўқувчилари орасида Алишер Навоий ижоди га бағишланган ташаккурнома тақдирлаш маросимида иштирок этган меҳмонлар эсдалик китобларини тақдим қилишди.

Жумабек Ташенов номли университет кутубхонасида талабаларга адабий китоблар тақдим этилди.

Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.

» Туркистон - туркий оламнинг маънавий пойтахти

Фаол жонқуяримиз, устоз, Қарноқ қишлоқ кенгаши раиси, фахрийлар сардори сифатида фаолият юритган Кентов шаҳрининг фахрий фуқароси, жамоат арбоби Собиржон Юсупов ҳаётигида қатор хайрли тadbирлар ташаббускори бўлган. Хусусан, тўнгич ўғли, шифокор Шўҳрат Юсупов хонадониде ўзбекистонлик таниқли ёзувчи-шоирларнинг меҳмон бўлганлиги ҳануз ёдимда.

Уша даврдаги Туркистон шаҳар ЎЭМБ раиси Дониш Маннотов раҳнамолигида ўтказилган шоир Миртемир Юрсупов таваллудининг 100 йиллиги га бағишланган тadbирда иштирок этиш учун Тошкент шаҳридан келган олим, ёзувчи-шоирларни ХҚТУ ректори ўринбосари, ёзувчи Қўлбек Ергўбек меҳмонхонага жойлаштирганди. Қадрли меҳмонлар — Носир Фозилов, Тўлан Низом, Наим Каримов, Эрназар Рўзиматов, Қўлбек Ергўбеклар Собиржон Юсуповнинг тақлифига биноан шифокор Ш. Юсупов хонадонига таширф буюришди. Пазанда келин Дилора Одил қизи ёзган тўкин дастурхон атрофида қозоқ ва ўзбек адабиёти ҳамкорлиги тарихи ва истиқболи, тарих, маънавият ҳақидаги диалогтар суҳбатлар аллама-ҳалгача давом этди...

Вақт — тезкор. Мана, шундан

АДИБЛАР СУҲБАТ ҚУРГАН ҚУТЛУҒ ХОНАДОНДА

бўён орадан 15 йил ҳам ўтибди. Айн пайтда адиб Миртемирнинг 115 йиллиги га тайёргарлик авжида.

2021 йили буюк мутафаккир А. Навоийнинг 580 йил-

фуза Абдурахмон қизи, келини Дилора Одил қизи, барча ўтганлар руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди.

Шўҳрат Собиржон ўғли саъй-ҳаракатлари билан “Меҳр ва оқибат” ёхуд ибратнома”, “Дибиримизнинг диёнатли Дилораси” хотира-китоблари нашр қи-

Хонадон соҳиби Шўҳрат Собиржон ўғли укаси Бобир, ҳамда Маҳмуд Абдуллаевлар вилоятимизга таниқли меҳмонларга таширф учун самимий миннатдорчилик изхор этишганди. Кечаги кун бугун, бугунги кун эртага тарих. Хотира уйғонса гўзал.



Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Собиржон Юсупов; Шўҳрат Собиржон ўғли хонадонига.

Муаллиф суратга олган.

Р.С. Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, Халқ эҳтиромии ордени соҳиби, олий тошфали шифокор Шўҳрат Собиржон ўғли падири бузрукворининг аънанасини давом эттириб, 15 нусха “Жанубий Қозоғистон” обунасига ҳомийлик қилмоқда.

»» Миртемир Турсунов таваллудининг 115 йиллигига

ЭСКИ ИҚОНДАГИ МУШТАРИЙЛАР ДАВРАСИДА

20 минг аҳоли истиқомат қиладиган Эски Иқон қишлоғида Саврон тумани бўйича “Жанубий Қозоғистон”нинг энг кўп муштарийлари умргузаронлик қилишади. Газета бош муҳаррири Райимжон Алибоев қишлоқ ҳоқими ўринбосари Абдусаттор Расулов, ҳамда Миртемир номидаги адабиёт музейи мудири Элбек Турсуновларга тахририятнинг “Ташаккурнома”си ҳамда 2025 йил тақвими тақдим этиб, эзгу ниятларини изҳор қилди.



Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари, қозоқ ва ўзбек адабиётлари орасида олтин кўприк бўлган адиб Миртемир Турсунов 1910 йили Эски Иқонда таваллуд топган. Фаол муштарий Тўхтапўлат Тилеулиев ташаббуси билан 2010 йили Миртемирнинг 100 йилли-

гига бағишланган халқаро анжуман қишлоқ маданият уйида ўша кездаги Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Дониш Маннотов сазй ҳаракати ва ҳомийлигида ташкил этилган.

Миртемирнинг иқтидорли шоғирди Носир Фозилов, ҳоқимлар,

депутатлар иштирок этган халқаро тадбир тарих саҳифаларига муҳланди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Миртемир номидаги адабиёт музейи олдида.
Муаллиф суратга олган.

»» Мозийга назар

ТАЪЗИМ СИЗГА, ҲАЗРАТ!

Тақдир тақозоси билан, хизмат юзасидан менга Мир Алишердек дахони туғиб, тарбиялаб, вояга етказган Ҳирот тупроғида бўлиш, буюк ҳазратнинг қабрини зиёрат қилиш насиб этганди. Мана, орадан анча йиллар ўтиб кетди, аммо у ерда кўрган-билганларим худди куни-кеча содир бўлгандай, кўз ўнгимдан нари кетмайди, айниқса, бу йил Навоий таваллуд топганига 550 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тўю-тантаналарга бир зарра ҳиссамани кўшмасам, аллома руҳлари олдида ўзимни гуноҳкордай сезмокдаман...

Ҳирот афгон диёрининг шимол қисмидаги гўзал бир шаҳардир. Тилни ёрадиган анжир-анорлари, таъми оғизда қоладиган узумлари, беҳию-олмалари табиат қандай яратган бўлса, шундайлигича ширинлигини, аслини йўқотмай сақлаб олган.

Кум-кўк дарахтларга бурканган боғлари, сокин хиёбонларида кезган киши ўзини эрам боғида юргандай ҳис қилиши аниқ. Ҳар хил моллар билан савдо қиладиган дўконлари, хунармандчилик расталари, гажум бозорлари ҳақиқий шарқона кўриниши билан кишини лол қолдиради. Ёзининг жазирама иссиқ ойларида 120 кун тинимсиз энгил шамол эсиб, одамлар дилига роҳат бағишлаб туришини кўриб, гоёта ажабланиш.

Ҳирот билан пойтахт шаҳар Қобул оралиғидаги масофани жазирама иссиғида кундузи юриш қийинлиги тўғрисида асосан кечқурун, сахар палла йўл босиб, бир кеча Қандаҳорда тунаб, ниҳоят Ҳиротга яқинлашдик.

Йўлнинг икки четига бир қатор қилиб ўтқазилган кўк-яшил рангдаги ноғу (кедр) дарахтлари ҳориб-чарчаб келаётган йўловчиларни таъзим билан «ҳорманглар», деб кутиб олаётгандай туюларди. Мана, шаҳарга ҳам кириб келдик. Ўзимни бутунлай бошқа бир оламга тушиб қолгандай ҳис эта бошладим. Наҳотки, ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак қадамлари тушган жойларда юрган бўлсам, деган ажиб ҳиссиёт хаёлимни тарқатмасди. Меҳмонхонага жойлашиб, бир оз ҳордиқ чиқарганимиздан сўнг шаҳарни томоша қилишга отландик. Кечки шаҳар манзараси янада осуда, файзли. Мева-чева, ширинликлар, сабзавотлар билан савдо қиладиган дўконлар соҳибларининг ширин муомаласи кишини тобора ўзига ром айларди.

Эртасига керакли идорага учрашиб, ишимизни битиргач, мен афгон ҳамроҳимга кўнглимга туғиб қўйган мақсадимни – шу тупроқда Навоийнинг қабри борлиги, уни зиёрат қилмоқчилигимни айтдим. Ҳамроҳим бажонидил рози бўлди. Кейин биз шоир Навоийнинг қабри қаердалигини сўраб-суриштира бошладик. Сўраб юриб, Алишернинг устози Абдурахмон Жомийнинг қабри рўпарасидан чиқиб

қолдик. Жомий форс-тожик тилида ижод қилганлиги тўғрисида унинг шеърларини ерли халққа нисбатан кўпроқ билиб, у яратган пушқимат рубоийлар асосида ҳатто фол очишар экан. Бунинг сирини аниқлаб, тағига етишга менда имкон бўлмади. Жомийнинг муқаддас қабри катта бир жомеъ масжидининг ҳовлисида бўлиб, оқ мрамр тошлардан ясалган кичик супача устида эди. Қабрнинг бош томонида экилган бодом дарахти энгилгина соя ташлаб турарди. Биз супага кўтарилиб, улкан мутафаккирнинг арвоҳига дуои фотиҳа ўқидик. Бу масжиддан мадраса сифатида ҳам фойдаланишар экан. Биз мулла-баччалардан Навоийнинг қабри қаердалигини суриштира кетдик. Ҳарқалай сазй-ҳаракатимиз зое кетмади. Улар бизга ҳазратнинг қабри жойлашган ерни тушунтириб беришди.

Ўзбек даҳосининг қабри чоратрофи девор билан ўралган, баланд-баланд ноғу дарахтлари қад кўтариб турган, шаҳар чеккасидаги катта боғнинг бир бурчагида экан. Гумбазимон қурилган, пешайвонли шинамгина хона, ёнида эса чоғроқ бир хонали бино қад кўтарган. Кейин билсак, темиррийлар авлодларининг айримлари шу бино ичига қўйилган экан. Атрофни супириб-сидириб юрган бир бечораҳол чол бизни қарши олди. Саломлашдик. Биз ким, қаердан эканлигимизни билганидан сўнг қўлини кўксига қўйиб, айвондан ичкарига таклиф қилди. Ҳазрат Навоий ётган хужрага ўймакор қилиб ишланган муъжазгина дарвозада қўлф осиглиқ турарди. Чол бориб қулфни очди, кетидан биз ичкарига кирдик. Ҳайҳот!!!

Наҳотки, бутун бир халқнинг ўзлигини оламга танитган, тилини расмий тил сифатида юксакликка кўтарган, авлодларига «Хамса»сини мерос қолдирган буюк бир инсон, сўз мулки султонининг жасади шу ерга қўйилган бўлса?!.. Аслида Навоий ҳақида сўз юритилганда ҳазрат, мутафаккир, улўғ, буюк шоир каби сифатлар кўп ишлатилади. Менга эса туркий луғатдаги мавжуд барча сифат-сўзлари Навоийнинг таърифи ва тавсифига ожизлик қиладигандай туюлади. Ҳазратнинг улўғлиги бундай сўзларнинг барчасидан ҳам юксакроқдир...



Гумбазли хонаниннг қоқ ўртасидаги қабр устига тўртбурчак қора мрамр тош ётқизилган эди. Тошга, буюк ўзбек шоири, мутафаккири, давлат арбобига Ўзбекистондан келган ҳайбат аъзоларидан, тағида эса Гафур Ғулом, деб ёзиб қўйилган эди (бу сўзларнинг айнан шундай ёзилганига ҳозир қафолат бера олмайдим, орадан неча йиллар ўтиб кетди). Кейин билсак, Навоий таваллудининг 525 йиллигини нишонлашдан олдин атоқли ўзбек шоири Гафур Ғулом ҳазратнинг қабрини аниқлаб, устига мрамр тош қўйган экан. Биз бобокалонимиз Навоий руҳларига таъзим бажо келтириб, ташқарига чиқдик. Ҳазратнинг қабри биздан олисда, хорихда экан, унинг сўнмас ижодидан, асарларидан биз баҳраманд бўлиб, маънавий озуқа олаётган эканмиз, ул буюк зотнинг ҳоқи шарифларидан бир сиқим тупроқ олиб келиб, Ўзбекистоннинг бирор бир жойига қўйилса дуруст бўларди, деган фикр кўпдан бери мени тарқ этмайди. Айниқса, Тошкент шаҳрида 120 гектар майдонда Навоий боғи яратилиб, унинг марказида тўртта мрамр устун қўтариб турган гумбаз остида 6 метр балангликда улўғ шоирнинг ҳайкали қад ростлашни эшитиб, мен яна хаёлга чўмдим. Қанийди, худди шу ерга ҳазратнинг ҳоқидан бир сиқим тупроқ олиб келинса, муборак бир зиёратгоҳга айлантирилса, бу ишдан биз ҳам, келажак авлодимиз ҳам рози бўлардик. Буюк мутафаккирнинг руҳларини эса шод этган бўлур эдик...

Бекмурод САЙДАЛИЕВ,
Сайрам туман ўзбек маданият маркази раисининг муовини.

Р.С. «Дўстлик байроғи»
(ҳозирги «Жанубий Қозоғистон») газетасининг 1991 йил 5 сентябрь, 45 (46)-сонида чоп этилган, эндиликда марҳум Б. Сайдалиев қаламига мансуб ушбу мақола кўпларни қизиқтириши табиий.

Эслатиб ўтамиз, матбуотда – «1991 – Алишер Навоий йили» рўқни остида йил давомида мутафаккир ҳаёти ва ижодида доир қўллаб илмий-таҳлилий мақолалар бериб борилган.

Ижтимоий тармоқлар нафақат ёшлар, балки катта авлод вакилларининг ҳам сеvimли кўнгилочар эрмагига айланди, десак ажабланманг. Яқинда бир асрлик умрни кечирган онахоннинг невараларини парваришлаб, вақт ўтказаетганлиги тўғрисидаги видеолар тарқалди. Мазкур ахборотга нисбатан илиқ фикрлар билдирилди.

Вилоятимизнинг Қазигурт тумани Синтас аҳоли манзилида яшаб, 100 ёшини қарши олаётган ая Тоҳира Қурбонова билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдик.

Нуронийлар – давлатимиз



Даставвал, Тоҳира ая ҳақида Шимкентда истиқомат қиладиган кизи Бахтигул Қурбонова бироз маълумот берди:

– Онам 1925 йили таваллуд топган. Саригона тумани, ҳозирги Дербисек қишлоғининг турғуни. Қазигурт туманида истиқомат қиладиган отам, Ережеп Қурбановга турмушга чиққан. Тақдир тақозоси билан 6 қиз, 5 ўғил кўришган. Укамиз чақалоқлигида вафот этиб кетди. Мен онамнинг 10-фарзандиман. Отам билан савдо соҳасида меҳнат қилишди, далага чиқиб, пахта теришди. Оиламиз ҳамма қатори деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишган. Меҳнат фахрийси, фронт ортида туриб юртининг ғалабаси учун меҳнат қилган инсонлар. Эсимда, 11та сигиримиз бўларди. Онам, опаларим, ҳаммасини соғиб, қатиқ, айрон ивитар эдик, дастурхонимиздан курт, кўжа ҳечам узилмаган. Деҳқончиликнинг, чорвачиликнинг ҳалол ризқини еб вояга етганмиз. Ҳаёти меҳнатда ўтган отам раҳматли 92 ёшда вафот этди. Бувим,

отамнинг онаси ҳам узоқ умр кўрган. Илоҳим, онамга қайноналарининг йўлини берган бўлсин, улар ҳам бир асрдан зиёд умр кўриб, боқий оламга рихлат қилганлар. Онажоним ҳам худди қайноналарига тортган – мустақкам ва кучли хотира соҳибаси. Онамнинг ирсиятидаги илҳомий жиҳатлар менга ҳам насиб бўлганлиги боис,

эллиқ ёш остонасида Аллоҳ менга тўртинчи фарзандимни ато этди. Онамнинг эпчиллиги, меҳнатда тобланганлиги боисми, ҳозирги кунга қадар Шимкентдаги уйимизга Қазигуртдан меҳмон бўлиб келадилар. Уйдан таксига ўтириб, адашмай келаварадилар. Биз ҳам шунга одатланиб қолган эканмиз. Айни кунда онам Смайил акам ҳамда Сағида келинйимнинг хонадонларида истиқомат қилади. Ижтимоий тармоқлардаги видеоларга саҳналаштирилган эмас, онамнинг ҳар куни шундай тартибда ўтади. Иншооллоҳ, 8 март куни онажонимнинг таваллуд кунини нишонлаймиз.

Онаҳон билан оқшом чоғи келини Сағида опа ёрдамида видеокўнгирик орақали суҳбатлашдик.

– Болам, 15 ёшга тўлар-тўлмас турмушга чиққанман, умр йўлдошим билан умримиз меҳнатда ўтди, – дейди Тоҳира ая. – Деҳқончиликни ҳам, савдо-сотиқни ҳам жойига қўйдик, Аллоҳга шуқр. Фарзандларимиз ҳам халқимизнинг хайрли кунларида хизматда бўлишмоқда. Сув келса симирдик, тош келса кемирдик. 10 бола ўздан ўзи вояга етгани йўқ, чиромим. Чолим омонатини 92 ёшда топширдим. Бахтим – эвараларим, уларни ўйнатаман, улар билан овунаман.

– Онамиз, ҳақиқатан ҳам болаларни

жуда яхши кўрадилар, – дейди келини Сағида. – Ҳозир ҳам кўраётганимиздек, невараларимни бешикка белаб, тебратиб ўтирибди. Марҳум қайнотам ҳам, қайнонам ҳам меҳнат фахрийлари. Опам “Қаҳрамон она”. Нафақа ёшига етишимга ҳам оз кунлар қолди. Мактабда физикадан дарс бераман. Уйга келишим билан бор чарчоғим унутилади. Онамнинг бир оғиз далда берувчи ҳазили тўғрисида кайфиятим кўтарилади.

– Опа нима билан овундилар?
– Онамиз тўйларга, турли оилавий маросимларга боришни хуш кўрадилар. Санаторийларга боришни қанда қилмайди. Қайнотам раҳматлик ҳаёт пайтларида иккови Саригоч санаторийсида дам олишарди. Кунни кеча онам, умр йўлдошим ва мен Саригоч курортда даволаниб, ҳордиқ чиқариб келдик. Онамнинг кайфиятлари аёло. Меҳр билан эвараларини парваришлашяпти. Сут маҳсулотларини севиб истеъмол қилади. Айниқса, хамир таомларни алоҳида иштаҳа билан тановул қиладилар.

Невараларининг, саногий йўқ, 80 нафар эвараси бор бувжонисининг қўл телефонлари доим банд, ишонаверинг. Видеокўнгирик орақали суҳбатлашишни хуш кўрадилар. Ёш авлод вакилларини қизиқтирадиган орқали кўнгилочар дастурлар аямизни бефарқ қолдирмайди. Онамга қараб, “ҳозир ва шу ерда яшаб, ўтган ҳар бир онингга шуқр қил ва рози бўл”, деган тамойилда яшашни ўзимизга шиор қилиб олганмиз.

Видеоларга сабаб бошқа мамлакатлардаги онахоннинг муҳлислари миллиондан ошди. Тоҳира ая ҳозирги кунга қадар бир неча гуруҳларда “гап”ларда иштирок этади. Тўғри, унинг тенқур дугоналари қолмаган. Шундай бўлишига қарамай, 85 ёшли бувилар унинг дугоналари. Айни кунларда ўша дугоналари ва қариндошлардаги ўзи сингари ёши улўғ онахонлар билан “қизлар мажлиси”нинг улўғ ва азиз меҳмони.

– Онамнинг умрлари узоқ бўлишини сўрайман дуоларимда, – дейди ўғли Смайил. – Онаси бор одамлар ҳеч қачон кексаймайди, деганлари улўғ ҳикмат. Онам билан бирга “эт” ейишга, чойхўрлик қилишга нима етсин. Етмиш ёшга қараб одимлаётган бўлсам-да, невараларим сингари ўзимни ёш боладек ҳис қиламан. Мен энг бахтли фарзандман, баракали ёшга келсам ҳам “бололигим”ни кўтарадиган Онам бор!

– Бахтли болалигиниз бардавом бўлсин!

М. САЪДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳоқимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-press” МББ бошқарувида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нусха.

Бюджет: 351. Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚУЧҚОРОВ.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.